

# Нурбой Абдулҳаким. “Фирдавсу-л-икбол”нинг адабий-эстетик қиймати

Шарқ юлдузи March 4, 2015 Нурбой Абдулҳаким. “Фирдавсу-л-икбол”нинг адабий-эстетик қиймати 2015-02-24T07:48:54+00:00 Uncategorized



Қарийб бир ярим асрдирки, Мунис

томонидан бошланиб, Огаҳий ниҳоясига етказган “Фирдавсу-л-икбол” асари адабиётшунос, матншунос ва тарихшунослар эътиборини тортиб келади.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг тўққизта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан иккитаси, Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари интитутида (инв. С 571 (590 оа), Е-6-1 (590 ов), олтитаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида (инв. 821/1, 5364/1, 9979/1, 5071, 7422, Ҳ. Сулаймонов номидаги фонд. 275/1), яна бир нусхаси эса Хельсинкида сақланмоқда.

“Фирдавсу-л-икбол” бадиий-тарихий насрда Огаҳий учун катта тажриба мактаби бўлгани, шубҳасиз. Бу асарни ёзиш жараёнида орттирилган тажриба кейинчалик шу турдаги бошқа асарларини ёзишда унга қўл келгани аниқ.

Муниснинг ёзишича, Хива хони Элтузархон уни ўз саройига чақириб, бундай амр қилади:

“...керакким, бизнинг насаби ҳумоюнумизни сўз девонида курсинишин ва аждоди амжодимиз асомийсин тарих хотамида нақши нигин қилсанг ва ўз ҳолотимиз ва баъзи футуҳотимиз билаким, зийнати афсона ва носихи “Шахнома”дур, назм риштасиға дурри макнун терсанг ва наср бисотиға гуногун зийнат берсанг, то бўлғайким, даврон саҳоифи фано тундбоди била паришон бўлуб, олам кошонаси адам сели била вайрон бўлғунча авсофи ҳамидамиз замон авроқида боқий қолғай ва зикри писандидамиз жаҳон мажолисида салотин базмиға шўриш солғай”. (Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm. Ed. by Yu. Bregel. Leiden: Brill, 1988, P.18. – Мақола Юрий Брегель тайёрлаган ана шу илмий-танқидий матн асосида ёзилди – Н.А.).

“Фирдавсу-л-икбол” дебоча ва муқаддимадан ташқари беш бобдан таркиб топган. Бу ҳақда Мунис қуйидагича маълумот беради: “...бу мухтасар шуруъиға хомаи ибтидо сурулди, чун

баҳори иқболи соҳибқироний била фирдавсдек зийнат топиб эрди, биноан алайҳ “Фирдавсу-л-иқбол”га мавсум бўлди. Бир муқаддима, беш боб, бир хотимага тақсим топти. Ҳазрат Изиди комбахшдин умид улким, унвони ифтитоҳин татаммаи ихтитомга мавсул ва муқаддимаи оғозин хотимаи анжомга машмул қилғай.... Муқаддима баъзи махсусоти аълохоқоний зикридаким, осори иқболи соҳибқироний эрди. Аввалги боб ҳазрат Одам алайҳиссалом ижодидин (яратилишидан – Н.А.) Нуҳ алайҳиссалом авлодиғача мазкур бўлур. Иккинчи боб Ёфас алайҳиссаломдин қўнғирот шўъбасиғача мўғул подшоҳларининг зикрида. Учунчи боб Қурлос авлодидин подшоҳлик маротибиға етганлар зикридаким, сўнги Абулғозихон ибн Ёдгорхондур. Тўртунчи боб ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг аждоди киром ва аболи зу-л-эхтиромининг зикрида. Бешинчи боб ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг валодати ҳумоюнидин бу рисолаи саодатмақола итмомиғача ҳар вақоеъким осори соҳибқиронийдин вуқуъ топмиш ва вуқуъ топғусидур – зикр қилилур. Хотима авлиёи изом ва уламои киром ва умарои зу-л-эхтиром ва соҳибдавлат беклар ва закийтабъ шоирлар ва донишманд фозиллар ва фалотунфитрат хунармандлар ва баъзи умури ғарибаким, ҳазрат подшоҳнинг айёми майманатанжомида вуқуъ топибдур, алар ҳикоётиға махсусдур”.

Мунис асарнинг композицион тузилишини ана шундай режалаштирган. Бироқ бир қанча сабабларга кўра, муаллифга асарни ушбу режа асосида ниҳоялаш насиб этмаган. Биринчидан, адиб асарнинг энг қизгин воқеалари тасвирини ёзаётган кезде Муҳаммад Раҳимхон унга Мирхонднинг машҳур “Равзату-с-сафо”сини ўзбек тилига таржима қилиш вазифасини топширади.

Иккинчидан, 1929 йили Муниснинг вафот этиши, бу режанинг амалга ошишига монелик қилади. Ана шу сабабларга кўра асарни Огаҳий давом эттирди ва ниҳоясига етказди. Бироқ, адиб бу ишга орадан ўн бир йил ўтгач киришган. Сабаби, Мунис вафотидан кейин Огаҳийга “Равзату-с-сафо” таржимасини давом эттириш вазифаси юклатилади. Шундан кейингина Элтузархоннинг ўрнига Хива тахтига чиққан Оллоҳқулихон даврида, унинг фармониға кўра Огаҳий “Фирдавсу-л-иқбол”ни давом эттириб, ниҳоясига етказди.

“Фирдавсу-л-иқбол”нинг тарихий илмий асар эмас, бадий-тарихий наср намунаси экани нималарда кўринади? Биринчидан, ҳар қандай асарнинг хусусияти унинг тилида, ифода усулида намоён бўлади. “Фирдавсу-л-иқбол” сажъли насрда, бадий услубда ёзилган. Ахир, унда тарихий воқеалар баён қилинганку, тарихий асар деб номланиб келгани сабаби шуку, деган эътирозга жавобан айтиш керакки, гап қандай материал қаламга олинганида эмас, унинг қай тарзда ифодаланганидир. Ушбу фикр исботи учун асардан биргина парча келтириб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз: “...жаҳон фозилларининг афзали ва замон комилларининг акмали, фазлу дониш тенгизининг тимсоҳи, ақлу биниш сафинасининг маллоҳи, илм қуёшининг матлаъи ва камол аҳлининг маржаъи, ҳаллоли мушкулоти дақойиқ, кашшофи ғатоёи ҳақойиқ, фазоилмаоб, камолотинтисоб, яъни Мунис мироб...”

Огаҳийнинг устози Мунисга бўлган эҳтироми ифодаси бўлган ушбу иқтибосда ўн бир сажъланувчи қисм мавжуд: жаҳон – замон, фозилларининг – комилларининг, афзали – акмали, фазлу – ақлу, дониш – биниш, тимсоҳи – маллоҳи, матлаъи – маржаъи, ҳаллоли – кашшофи, мушкулоти – ғатоёи, дақойиқ – ҳақойиқ, фазоилмаоб – камолотинтисоб – Мунис мироб.

Улардан биринчи, учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ўнинчи сажъланувчилар мутавозий (ҳам вазн, ҳам қофияда мослашувчи); ўн биринчиси мутарраф (вазнда мослашмаган), иккинчи, тўртинчи, саккизинчи ва тўққизинчиси эса мутавозиндир (вазнда мос, қофияда мослашмаган). Маълумки, сажъ ҳосил қилувчи сўзлар «фосила» деб аталади. Ҳар бир фосила ўзидан олдинги

сўзлар бирикмаси билан сажънинг бир бўлагини ташкил қилади ва «қарина» деб юритилади» (шеърятдаги, аруздаги фосиланинг бунга алоқаси йўқ). Огаҳий насрида сажънинг юқорида баён этилган барча шаклий сифатларини кўриш билан бирга, сажъланувчиларнинг жойлашишида ҳам ўзига хослик кузатилади. Юқоридаги жумлада тимсоҳи ва унга сажъланувчи маросими фосилаларининг ҳар биридан олдин биттадан сўз қўлланган. Баъзан фосиладан олдин бир ва унга сажъланувчидан аввал бир неча сўз қўлланиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Юқоридаги иқтибосда аксар сажъланувчилар орасида қарина мавжуд эмас.

Асарнинг бадий-тарихий наср намунаси эканига иккинчи далил, юқорида таъкидланганидек, Муниснинг уни ёзишга амр этилганида хон тилидан битилган: “назм риштасига дурри макнун терсанг ва наср бисотиға гуногун зийнат берсанг”, сўзларидир.

Учинчидан, бадий-тарихий наср намунаси худди халқ оғзаки ижодига мансуб дostonлар каби, Мунис ва унинг буюк салафлари Рабғузий, Мирхонд, Хондамир ва Абулғозининг шу сирадаги асарлари анъанасига кўра назм билан зийнатланиши шарт эди. Асар худди шу усулда ёзилган. Ундаги назм намуналари сажъли насрда битилган фикрларни тасдиқлаш, тўлдириш, уларга изох бериш ва, ниҳоят, асарнинг бадииятини, поэтик жозибасини ошириш мақсадларига хизмат қилади.

“Фирдавсу-л-икбол” матнига қасида, ғазал, маснавий, қитъа, рубоий, фард, таркиббанд, таърих сингари жанрларга оид қарийб олти минг мисра шеър киритилган. Шундан беш минг мисрага яқини асарнинг Мунис ёзган қисмидан, 1022 мисраси эса Огаҳий ёзган қисмидан ўрин олган. С.Рўзимбоев ва А.Аҳмедовларнинг “Фирдавсу-л-икбол”даги адабий жанрлар ҳақида” (“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2009, 6-сон, 19–24-бетлар) мақоласида асарга кирган шеърларнинг жанр хусусиятларига оид анча керакли маълумотлар берилиши баробарида, бир қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини қайд этиш керак.

Биринчидан, мақолада жанр истилоҳи ноўрин қўлланади, муаллифларнинг шеърӣ жанрлар ҳақидаги тасаввури чала кўринади. Масалан, улар бундай ёзишади: “Мунис томонидан асарда истифода этилган поэтик жанрлар орасида (?) назм, шеър, мисра, абёт, манзума, матлаъ, мақтаъ каби атамалар учрайдики, бу номланишларга муайян изохлар беришга тўғри келади”. Таъкидлаш керакки, назм, шеър, мисра, абёт, манзума, матлаъ, мақтаъ каби истилоҳларнинг “Мунис томонидан асарда истифода этилган поэтик жанрлар”, дейилиши мутлақо тўғри эмас.

“Назм номи остида берган шеърлари шаклининг маснавийдан фарқи йўқдек кўринади”, дея, гўёки, муаммога ойдинлик киритишмоқчи бўлишади муаллифлар. Бу ҳам ҳолва. “Бироқ айрим ҳолларда назмнинг қофияланиш тизими ўзгаради ва ғазал шаклига ўтади” ёки бошқа ўринда, “Тарихнависнинг “шеър” номи остида берган намуналари ҳам кўп ҳолларда маснавий шаклида битилган, айримлари ғазал шаклида қофияланган”, дейишар экан, улар, гўёки, янги-янги “илмий кашфиёт”ларни очишади. Мунис бу сарлавҳалар остида баъзан маснавийни, айрим ҳолларда ғазал ва исталган бошқа жанр намунасини бериб кетаверган. Бир вақтлар келиб, “мутахассис”лар “Фирдавсу-л-икбол”да “назм”, “шеър” сарлавҳаларида тақдим этилган асарларнинг қайси жанрга мансуб эканини ажрата олмаслигини адиб қаердан ҳам билсин, ахир?!

“Мунис назм ва шеър номи остида берилган намуналарни умуман шеърӣят сифатида қараган ва воқеалар характериға қараб, уларни турли шакллар воситасида ўқувчиларға ҳавола қилган”, деган хулоса эса янада ажабланарли. Савол туғилади: Мунис назм ва шеър номи остида берилган намуналарни умуман шеърӣят сифатида (?) (таъкид бизники – Н.А) қараган бўлса, бошқа ном остида берилган намуналарни нима деб қараган экан?!

Мумтоз шеърӣятда фард деган жанр бор. “Фард” атамаси “якка, ёлғиз, ажралган” маъноларини

англантиши, мумтоз шеърятда ягона байтдан иборат тугал маънони англатган жанр экани ҳеч кимга сир эмас. Юқорида қайд этилган мақола муаллифлари ҳаммага аён ана шу ҳақиқатга “ислоҳ” киритадилар. Улар: “Асар таркибидаги фардлар асосан икки мисралик бўлиб, бир-икки жойда унинг тўрт қаторлик шакли (?) ҳам учрайди”, дея қуйидаги шеърни мисол қилиб келтирадилар:

Олиб қаҳр ила ул жаҳон кишварин,

Қилиб қатл аҳли замон аксарин.

Жаҳон ичра балким киши қўймади,

Улус конидин ўлгунча тўймади.

Тўғри, “Фирдавсу-л-икбол” матнида ушбу шеър “Фард” сарлавҳаси билан берилган. Бироқ, мумтоз асар устида тадқиқот олиб бораётган мутахассис бу котибнинг хатоси бўлиши мумкинлигини, мазкур шеърини парча жанр хусусиятларига кўра фард эмас, маснавий (!) эканини ажрата билиши керак эмасми?! Синчков тадқиқотчи зарур ўринларда котибнинг хатосини ҳам тузатиши лозимку, ахир!

“Асарнинг Мунис қаламига мансуб қисмида насрий жанрларга ҳам ўрин берилган. У асарни анъанага мувофиқ наът билан бошлайди ва уни насрий тарзда Қуръон оятлари воситасида баён этади”, дейилади яна мақолада. Аввало, наътни насрий жанр сифатида таърифлаш илмий ҳақиқатга ҳам, оддий мантиққа ҳам зид. Наът – жанр эмас. У – мазмун, у – моҳият. Наът – пайғамбаримиз сифатларининг таъриф-тавсифи. У нафақат насрда, назмда ҳам ёзилиши мумкин. Ғазал, маснавий, қитъа сингари шеърини жанрларда ёзилган маснавийлар учрайди мумтоз адабиётимизда. Илмий мавзуда мақола ёзаётган мутахассис ҳар бир сўзини тарозига солиб, ўйлаб, фикрлаб, кейин қоғозга тушириши зарур. Акс ҳолдаги, юқорида тахлит ноўрин мулоҳазалар, саёз хулосалар келиб чиқади.

Мазкур кўчирмада яна бир хатолик бор. Муаллифлар фикрича: “У (яъни, Мунис) асарни анъанага мувофиқ наът билан бошлайди”. Аслида, “Фирдавсу-л-икбол” наът билан эмас:

“Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоқонларнинг кавкабаи давлати ул подшоҳи алалитлоқнинг қуллуғи билан интизом топарким...”, дея бошланган ҳамд (таъкид бизники – Н.А.) билан очилади.

“Фирдавсу-л-икбол”га кирган турли жанрларга оид шеърини матнлар ҳар бири композицион тугаллиги билан алоҳида асар сифатида баҳоланиши мумкин. Шеърини матнлар воқеликнинг насрий талқинини бирор-бир жиҳатдан такрорламайди, аксинча, улар матн яхлитлигини таъминлаши, асарнинг асосий ғоясини ёрқин бадиий бўёқларда, поэтик жозибадорликда ифодалаш ва изоҳлашга хизмат қилиши жиҳатидан юксак адабий-эстетик қийматга эга.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг Огаҳий ёзган қисмидаги шеърини матнлар мавзуга кўра қуйидагичадир:

1) асарнинг ёзилиш сабаби таърифи; 2) хон ва унинг аъёнлари васфи; 3) бунёдкорлик ишлари тавсифи; 4) ҳарбий можаролар тасвири; 5) шикор – ов тавсифи; 6) тўй, спорт ва халқ ўйинлари талқини.

1. Асарнинг ёзилиш сабаби таърифи. Огаҳий “Фирдавсу-л-икбол”ни давом эттириш вазифаси ўзига юклангани ҳақида, аввал, насрда мана бундай изоҳ беради: “...ҳазрат соҳибқироннинг жулуси саодат маънусининг ўн бешлончи йиликим, сана минг икки юз эллик бешда (1840 милодий йил – Н.А.) эрди, бу бандаи бебизоат ва қалилу-л-иститоат ва бу гўшанишини вайронаи алам ва малолат, аҳқари ибоди малики-л-ваҳҳоб, заифи нажиф Муҳаммадризо мироб ал-мутахаллис би-л-Огаҳий ибн Эрнийезбек биродарзода ва дастпарвардаи Мунис мироб ғафароллоҳу зунубаҳум ва сатара уйубаҳумким, ул ҳазратнинг хизматкори қадимий ва

жонсипори самимийи эрдим, ногоҳ жабҳаи аҳволимға дийдаи марҳамати ва носияйи авқотимға айни иноятидин назари кимёасарин солиб, бу паришон авроқким, таркибидин кўнгул мутаҳаййир, балки ақли кулл мутааззирдур, жамъ қилиб, итмомға еткурмакни буюруб, бу дилхастани мазаллат туфроғидин кўтарди ва ифтихорим бошин фалаки даввордин ўткарди”.

Дарҳақиқат, муаллиф олдида масъулиятли вазифа турарди.

Асарни давом эттиришга киришар экан, Огаҳий маснавий йўли билан муножот ёзади.

Муножотда шоир жуда қийин, туганмас ишга қўл урганини таъкидлаб, уни поёнига етказишда аллоҳ таолодан мадад сўрайди:

Илоҳо, ман ожизу бенаво,

Туганмас иш этгум дурур ибтидо.

Ҳазин хотиримни етур комиға –

Ки, яъни, ишим етур анжوميға.

2. Хон ва унинг аъёнлари васфи. “Фирдавсу-л-икбол” бадиий услубда ёзилгани учун унда муаллифнинг адабий-эстетик идеали талқини масаласини ўрганиш зарурати юзага келади.

Таъкидлаш керакки, асарда худди шундай идеал хон тимсолида тасвирланган. Бу туркум шеърларда васф этилишича, хоннинг адолати шу даражадаки, адлидан жаҳон мулки обод, у шунчалик саҳийки, хайру эҳсонидан улус хоотири шод. Биргина мисол:

Ҳотами Тойики карамдур иши,

Халқға бермак бўлубон варзиши.

Ул дағи баҳра олиб эҳсонидин,

Зилласитондур карами хонидин.

Муаллифнинг бу туркум шеърларда муболағали тарзда таърифу тавсиф этилишича, агар султони соҳибқирон қаҳр қилса, зулм уйи вайрон, лутф этса, даҳр эли шодон бўлади. Хоразм хонларининг, жумладан, Муҳаммад Раҳимхоннинг салтанат ишларида адолатга интилан маърифатли ҳукмдор эканига шубҳа билдирмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, Огаҳий хон ва унинг аъёнлари тасвирида реал воқеликдан кўра кўпроқ ўзининг идеалини васф этган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, юксак назмий маҳорат билан ёзилган бу туркум шеърлар шоирнинг ижтимоий-эстетик идеалини белгилаш ва ўрганишда принципиал аҳамиятга эга.

3. Бунёдкорлик ишлари тавсифи. Муҳаммад Раҳимхон табиатан бунёдкорликка мойил бўлган. У кўплаб масжидлар, мадрасалар, ёфлар (каналлар), кўприк ва работлар барпо этган. Маълумки, адабий анъанага кўра, бундай иншоотлар қурилиши муносабати билан таърихлар битилган. “Фирдавсу-л-икбол”да бу мавзу, асосан, маснавийда қаламга олинган. Жумладан, муаллифнинг ёзилишича, “Ул овони саодатнишонда Сайёд ҳовлининг иморатиким, ул ҳазратнинг меъмори давлатидин тоза бино топиб, матонат ва истехкоми “кааннаҳум бунйанун марсус” (“бамисоли туташ бинолардек” – Қуръони карим, Саф сураси, 4-оятдан) ояти била мансус эрди ва боғи ишратафзоси “ва ман дахалаҳу кона оминан” (“бу ерга кирган омонлик топади” – Қуръони карим, Оли имрон сураси, 97-оятдан) ишоратиға махсус”. Асарда ана шу маълумотдан сўнг қуйидаги маснавий матни келтирилган:

Рашки беҳишт эрди анга ҳар қусур,

Ошиқи онинг эди ғилмону ҳур.

Бош чекибон кўнгири Кайвонғача,

Зирваси ҳам гунбази гардунғача.

Манзари айвони бўлуб дилкушо,

Саҳни ҳавоси эди ишратфизо.

Боғи назоҳатда жинон ғайрати,  
Ҳар шажари сарви равон ғайрати.  
Беҳад эди меваи алвон анга,  
Тенг бўла олмай мазаи жон анга.

Ҳар қандай мавзуда, ҳатто бунёдкорлик ишларининг назмий тавсифида ҳам Огаҳий сўзининг фасоҳати ва балоғати яққол намоён бўлиб туради.

4. Ҳарбий можаролар тасвири. Маълумки, XIX аср миллатимиз тарихига таназзул асри сифатида кирган. Хонликлар ўртасидаги зиддиятлар, ички низолар охир-оқибат юртни ижтимоий-сиёсий бўҳронга олиб келди, Русия мустамлакаси гирдобига туширди. “Фирдавсу-л-икбол”да ана шу ички низолар, зиддиятлар, маънавий инқироз етилиб келаётган тарихий вазият қаламга олинган. Асардан ўрин олган бир қанча шеърларда Муҳаммад Раҳимхон кўшинининг Хуросон ва Дашти Қипчоқдаги, шунингдек, Хоразм атрофидаги кўчманчи қабилалар билан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, хон билан Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар сипоҳи ўртасидаги жангу жадаллар, беҳуда қон тўкилиши воқеалари тасвирланган. Бу мавзудаги шеърларда зоҳиран Хива аскарларининг жасорати васф этилгандек кўринса ҳам, назмий матнлар замирида Огаҳийнинг бундай ҳарбий можароларни маъқулламаслиги сезилиб туради. Ҳатто, шу туркум шеърларнинг айримларида унинг панд-насиҳат руҳидаги қарашлари ифодаланади. Мана бу қитъа мазмуни фикримизнинг ёрқин далилидир:

Кўнгулни боғлама номард ваъдасига даме —  
Ки, ваъдасида анинг бўлмағай вафо ҳаргиз.  
Мулойим ўлма даме душмани қадимингга,  
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.  
Тоши йилоннинг агар ҳар нечаки базм дурур,  
Ва, лек, бўлмас ичи заҳардин жудо ҳаргиз.

5. Шикор — ов тавсифи. Асарда муаллиф “ҳазрат соҳибқирони фирдавсмакон”, яъни, Муҳаммад Раҳимхон аксар вақтларда “шикор иродаси била ҳаракат кўргузуб, бу баҳона бирла атрофдаги фуқаро ва ажаза бошлариға сояйи марҳамат солиб, арзин эшитиб, додиға етмак”ни одатга айлантиргани ҳақида ёзади. Бир туркум шеърӣй матнлар ана шу шикор — ов тавсифига бағишланган.

6. Тўй, спорт ва халқ ўйинлари талқини. “Фирдавсу-л-икбол”да Огаҳий Муҳаммад Раҳимхоннинг иккинчи ўғли шаҳзода Раҳмонкули тўрага “хатна суннатин жорий қилдирурга сури мавфуру-с-сурур ва жашни азим тартиб бергани” тавсифига анча батафсил тўхталади. Шоир:

Йиғналибон ул сифат асбоби сур —  
Ким, бўлубон васфида ожиз шуур.  
Сафҳае таърифиға сурмак қалам

Чархи барин авжиға урмоқ қадам, — дея тўй муносабати билан “адолат лаолийси уммони, саховат явоқитининг кони” бўлган хоннинг қўллари бамисоли денгиздек гавҳарлар сочгани, халойиққа сийму дирам улашиб, фуқаро ва раоёни хайру эҳсонидан комрон қилгани ҳақида ёзади. Бу туркум шеърларда хоннинг фазилатлари муболағали тарзда, пафос билан талқин этилади. Бундай талқин усули, биринчидан, муайян ҳаётӣй асосга эга бўлса, иккинчидан, уларда Огаҳийнинг адолатли, раиятпарвар ҳукмдор ҳақидаги идеали ҳам ўз ифодасини топганини таъкидлаш керак. Асарда, шунингдек, бир қанча спорт ва халқ ўйинлари, жумладан, кураш, отчопар сингари томошаларнинг назмий талқини ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан, юқорида зикр этилган тўйда отчопар томошаси уюштирилади, муаллиф сажда ифодалашича, унда “саманди

фалакхайъату барқсуръат ва рахши девбоди сарсарниход” отлар иштирок этади.

“Фирдавсу-л-икбол”нинг Огаҳий ёзган қисмидаги шеърий матнларни жанр хусусиятларига кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) маснавийлар; 2) рубоий 3) қитъалар; 4) фардлар; 5) таърихлар.

Маснавийлар. Асар таркибига кирган шеърлар орасида сон жиҳатдан ҳам, салмоқ жиҳатдан энг кўп учрайдигани маснавийлардир. Улар 64 та бўлиб, 960 мисрани ташкил этади.

Ҳазрат Навоий маснавий жанрини “майдони восиъ” деб атагани маълум. Шайх Аҳмад Тарозийнинг қайд этишича, «...маснавийнинг шароитидин бириси улдурким, агар ҳикоятни назм қилур бўлса, керакким, дебочасин хўб иборат ва яхши тариқа бирла таъриф қилса ва саъйе кўргузсаким, фотиҳа бирла хотимаси писандида келгай. Ва бир шарт улдурким, мухтасар алфоз бирла шарҳга келтургай. Ва бир шарт улдурким, ҳар ердаким, разм ва базм бирла таъриф қилгай». (Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Ҳазина” нашриёти, 1996). «Фирдавсу-л-икбол»даги маснавийлар туркий шеърият назарийгчиси таъкидлаган талабларга тўлиқ жавоб бера олади. Асарда “назм” сарлавҳаси билан берилган 74 байтли энг катта ҳажмли маснавийнинг «фотиҳаси бирла хотимаси писандида келган»и бунинг далили. Мана, ўша маснавийнинг “фотиҳа”си:

Чарх золиким баса маккор эрур,  
Золиму бераҳму кажрафтор эрур.  
Доимо макру ҳиялдур пешаси,  
Халқға бермак фириб андешаси.  
Ҳайъатидин ошкоро шумлик,  
Ҳам хиромидин аён мейшумлик.  
Кимниким кўрса азизу комрон,  
Қасди – хор этмак дурур ҳам нотавон.  
Ким эса мақсуд ҳусули бирла шод,  
Фикри они айламакдур номурод...

Мумтоз шеърият тарихида чарх золининг золим, бераҳм, кажрафтор экани ҳақида кўп ёзилган. Бироқ, ушбу маснавий “фотиҳа”си макру ҳийла пешаси бўлган, халққа фириб бермакни аъмолига айлантирган, кимники азизу комрон кўрса, хору нотавон қилмоққа қасд айлайдиган, мақсади ҳосил эканидан шод юрган одамни номурод айламак фикридаги чарх золи образи метафора, тансиқу-с-сифот, таносиб, тазод сингари бадий санъатлар воситасида бетакрор тасвирлангани билан алоҳида ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, маснавий хотимаси ана шу тасвирни ҳулосалаб келган. Модомики, чарх золи шунақа маккор ва раҳмсиз экан, оқил одамнинг унга муносабати қандай бўлмоғи керак? Қай йўл билан у давлату иқболга эришмоғи мумкин? Маснавий хотимаси ана шу сингари саволларга жавоб беришга ҳаракат қилингани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

Оқил улким, даҳрдин силкиб этак,  
Урса тажриду қаноат сори так.  
Тарк тутса ҳар на йўку борини,  
Балки ўзлук бори-ю осорини.  
Айласа маскан фано майхонасин,  
Қилса нўш у фонилиғ паймонасин.  
Бўлса мадҳуш уйлаким билмай ўзин,  
Очмаса то ҳашр қўпгунча кўзин.

Бу дурур маъни элига шоҳлиғ,  
Давлату иқболу соҳибжоҳлиғ.  
Соқиё, бер косаи озодалиғ,  
Лаб-балаб айлаб майи афтодалиғ.  
То ичиб они ҳаловат айлайин,  
Лаҳзае майли фароғат айлайин.

Кўриниб турибдики, маснавийнинг «фотиҳаси бирла хотимаси писандида келган», яъни, “фотиҳа”да қўйилган поэтик муаммо “хотима”да ечилган, ҳал этилган. Муҳаммад Раҳимхон вафоти муносабати билан битилган бу маснавийда фано ва бақо фалсафаси ўзига хос бадий талқин қилинган.

Рубоий. “Фирдавсу-л-иқбол”нинг Огаҳий ёзган қисмида биргина рубоий матни келтирилган. Вусъат аро монанди анинг кам эрди,  
Қоплон фалакка шердин рам эрди.

Андоқ қалин эрдик, йилон йўл топмай,  
Ашжори авжи чархға муҳкам эрди.

Ушбу рубоийда Хоразмдаги Бодой тўқайзори тасвирланган. “Зубдату-т-таворих”да: «Бодой бир бешаедурурки, бағоят қалин ва зиёда васеъдурур. Ҳазрати қутбу-л-ақтоб, афзалу-л-асҳоб, зубдату-л-комилин, умдату-л-восилин Вайсу-л-Қараний розийаллоҳу анҳу ва ҳазрати ҳақиқатпаноҳ, ҳидоятдастгоҳ Шайх Жалил ота қаддаса сиррахунинг қадамгоҳлари дағи тоғ била дарё ўртасида воқеъдурур», деган маълумот берилади.

Кўриниб турибдики, “Фирдавсу-л-иқбол”даги рубоий ва “Зубдату-т-таворих”даги маълумот бир-бирига уйғун, бир-бирини тўлдиради. Вайсу-л-Қараний билан Шайх Жалил отанинг абадий манзили бўлган бу заминнинг табиати, ҳайвонот дунёси ўзига хос экани рубоийда гўзал бадий талқин этилган. Яъни, бешаенинг “вусъат аро монанди кам”лиги – кенг ва улкан ҳудудни қамрагани, унинг қоплонлари шердан ҳам ҳайбатлироқ экани тасвири бу фикрнинг исботидир. Рубоийда ифодаланишича, Бодойнинг тўқайлари шу даражада қалинки, улар орасидан илон ҳам йўл топиб юриши маҳол, дарахтлари шу қадар юксакликка бўй чўзганки, чархнинг авжига – энг юқори нуқтасига етган. Бир вақтнинг ўзида муболаганинг таблиғ (“Вусъат аро монанди анинг кам эрди”), ғулув (“Қоплон фалакка шердин рам эрди... Ашжори авжи чархға муҳкам эрди”) ҳамда ифрот (“Андоқ қалин эрдик, йилон йўл топмай”) турлари қўллангани рубоийнинг юксак бадииятини таъминлаган.

Қитъалар. “Фирдавсу-л-иқбол”да Огаҳий ижодидан бу жанрга мансуб етти қитъа матни ўрин олган. Шайх Аҳмад Тарозий қитъанинг аввалги мисраси одатда қофияланмаслиги, ҳажми “ақалли икки байт” бўлиши, “мунинг ҳам аксари муқаррар эрмаслиги, ҳар нечаким, қофия тобсалар» айтилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бироқ, Огаҳий ижоди туркий шеърят назариётчисининг қитъа ҳақидаги бу назарий қарашлари ўзгармас ҳақиқат эмаслигини, ислоҳ этилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Негаки, Огаҳий қитъаларининг “ақалли (энг кичик ҳажми – Н.А.) икки байт” эмас. Асарда келтирилган қитъалардан бири ягона байтдан иборат экани бу фикрни тасдиқлайди:

Ақл ила фаросатким, инсон шарафи андин,  
Шаънида анинг гўё бир ояти мунзилдур.

Таъкидлаш жоизки, “Фирдавсу-л-иқбол”даги етти қитъа матннинг турли ўринларида бошқа-бошқа мақсадлар билан келтирилган бўлса-да, улар мантиқан ўзаро боғлиқдай, бир-бирининг узвий давомидай таассурот қолдиради. Бу етти қитъанинг моҳиятини қуйидагича мухтасар



ифодалаш мумкин:

- 1) ақл-фаросат инсонни шарафлаши, шу муносабат билан оят нозил бўлгани;
  - 2) хулқи неку (олижаноб хулқ) билан куфр эли ҳам исломга кириши;
  - 3) шоҳга садоқат кўрсатиш фуқаронинг ўзига ҳам бахт келтириши;
  - 4) номард ваъдасига қўнгул боғламаслик;
  - 5) душман устидан зафар қозонишда хайл (қўшин) кўплигига мағрур бўлмаслик;
  - 6) фалак бевафолиги ва умр бебақолиги;
  - 7) сипеҳри жаллод бирор кимсани шод қўймаслиги, одам фарзандларига ададсиз ғам ёғдириши.
- Кўриниб турибдики, улар алоҳида-алоҳида мавзуларга бағишланган бўлса-да, моҳиятан яхлитлик касб этади. Бироқ, бу ҳол ҳар бир китъанинг алоҳида назмий асар эканини инкор этмайди. Шу билан бирга, китъалар ҳам умумматнинг таркибий қисми ўлароқ асосий ғояни ёрқинроқ тасвирлашга, асарнинг бадиий жозибасини оширишга хизмат қилади
- Фардлар. Таъкидланганидек, бу жанрдаги шеърлардан икkitаси “фард” сарлавҳасида, қолган еттитаси эса “байт” номи билан берилган.

“Фирдавсу-л-икбол” матнида “байт” сарлавҳаси билан келтирилган шеърлар тугал мазмунни ифодалаши, поэтик мукамаллиги жиҳатидан ҳам фард жанри талабларига тўлиқ жавоб беради. Асарда “байт” сарлавҳаси билан берилган қуйидаги фард ушбу фикрни тасдиқлайди:

Берур ўлса агар худо қулига

Матлабин келтуруб қўяр йўлига.

Бундан ташқари, байт (фард)лар матннинг узвий қисми экани, юксак бадиияти билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Муҳаммад Раҳимхоннинг доруссалтанадан сафарга отланиши муносабати билан ёзилган қуйидаги фард бунинг ёрқин мисолидир:

Миниб иқболу давлат маркабиға,

Анингдекким, қуёш қўк ашҳабиға.

Бу сингари битиклар Огаҳийнинг чиндан ҳам “фасоҳат ва балоғат бобида нодир, маоний жақоҳирин назм этарга қодир”(шоирнинг ўз таъбири – Н.А.) эканини тасдиқлайди.

Умуман, “Фирдавсу-л-икбол”даги байт (фард)лар асардаги насрда берилган тасвирни такрорламаслиги, аксинча, уни тўлдириб, ифодага бадиий сайқал бериши жиҳатидан ҳам юксак адабий-эстетик қийматга эга.

Таърихлар. Аввало, таъкидлаш жоизки, “Фирдавсу-л-икбол”га кирган ҳар икки таърих Мунис қаламига мансуб бўлиб, асарда “вуфури фаросат ва фарти қиёсатда умарои изомдин мумтоз ва мустасно”, дея таърифланган Султон мироб вафотига бағишланган. Мазкур таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Султон мироб Муҳаммад Раҳимхон саройининг хос аъёнларидан бўлган. Султон мироб асарда “фахру-л-миллати ва-д-дин”, дея васф этилган саййид Юсуф хожа нақиб билан бирга хоннинг қайнотаси Абдуллоҳ хожа эшон валади амжоди саййид Боқирхожа эшон саййид Отойининг тўйида асосий ташкилотчилардан бўлгани ҳам унинг саройдаги нуфузи нечоғлиқ баланд бўлгани далилидир. Асарда уларнинг “тўй устида муқаррар бўлуб, жашн муҳомининг интизомиға машғул”, экани таъкидланади.

Таърихларнинг биринчиси:

Беки гардунҳашам, мироби динпарвар, амири даҳр,

Ҳумоюн номи Султонун султоннасл, дарёдил.

Баногоҳ тарки олам дода аз шавқи Худованди,

“Раҳи фирдавс рафт” ў ҳам аз он таърих шуд ҳосил.

Демак, таърих моддаси “Раҳи фирдавс рафт” жумласига беркитилган. Маълум бўладики, “Раҳи

фирдавс рафт” жумласидаги ҳарфларнинг абжад ҳисобидаги йиғиндиси – 1235 га тенг. Асарда Султон миробнинг вафоти “зу-л-ҳижжанинг салхи”да содир бўлгани зикр этилади. Синхрон жадвалга кўра, бу воқеа милодий 1820 йил 7 октябрга тўғри келади. Таъкидланганидек, кейинги таърих ҳам худди шу сана муносабати билан ёзилган.

“Фирдавсу-л-икбол”га кирган назм намуналари, биринчидан, асарнинг бадиий савияси юксак бўлишини таъминлаган. Иккинчидан, бу шеърлар асар умумматнининг таркибий қисми сифатида унинг асосий ғоясини тўлдириш, изоҳлаш, хулосалаш вазифаларини бажарган. Учинчидан, асарга поэтик жозибадорлик бағишлаб, ифоданинг санъаткорона бўлишига хизмат қилган. Умуман, “Фирдавсу-л-икбол” матни борасидаги кузатишлар асарнинг адабий манба сифатида филологик тадқиқотлар учун бой материал беришини тасдиқлайди.

## Матназар Абдулҳаким. Зоҳирий фақр, ботиний қудрат

18.04.2013

Ўқилди: 173



Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳазратларининг қаламига мансуб «Ашъори форсий» манзумалар туркуми муборак анъаналар асосида битилган, моҳиятан тасаввуфий шеърятнинг улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оҳангларда ижод этилгандир:

Ё раб, сенинг туфайлидир мартаба, ашқу оҳимиз,  
Сен айбимизни айла авф, кечир бизим гуноҳимиз.

Шоирнинг «Таъвиз-ул-ошиқин» девонининг таркибий жузви бўлмиш «Ашъори форсий» туркумининг дастлабки ғазали мана шундай матлаъ билан бошланади. Ушбу мисралардан аён бўладики, шоир қаламга олган мавзуларнинг мавзуи, инсонни камолотга сазовор қиладиган фазилатларнинг манбаи, унга барча неъматларни турли воситалар орқали тухфа этгувчи Аллоҳдир. Модомики, бизнинг бир-биримизга қилган эзгуликларимизни юзимизга солиб, таъна қилишга ҳақимиз йўқ, билъакс, бу эзгуликларга бизни сазовор этишга воситачи қилиб танлаганлиги учун, аввало, Аллоҳдан, қолаверса, бир-бирларимиздан миннатдор бўлмоғимиз, миннатдорлигимизнинг мантиқий натижаси ўлароқ, шукроналик тарзида, мазкур яхшиликларимизни яна ҳам зиёда қилиб ҳамда мустаҳкамлаб бормоғимиз керак бўлади. Огаҳийнинг талқинича, бундан бошқа йўл таназзулга маҳкумдир, гумроҳликка элтгувчидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам фақат мана шу йўлни изламоғи, мана шу йўлдан юрмоғи керакдир.

Саргаштамиз биз бир умр айрилиғингда дашт аро,  
Қил илтифот, кўйинга элтсин бизи рост роҳимиз.

Юқоридаги мисралардан тагин аён бўладики, бу «рост роҳ»га, яъни тўғри йўлга мушарраф бўлишнинг бирдан-бир иложи — тинимсиз риёзатдир. Модомики, шоир «Саргаштадирмиз бир

умр айрилигингда» деб ёзаётган экан, демак, бу тўғри йўлга мутлақ тушиб олиш ниҳоятда мушкул, шунингдек, лозим бўлган фазилатларнинг фазилатидир. Шоир фикрича, бу муваффақиятга бир умр тўғри изланиш туфайлигина эришилади. Навбатдаги байт ҳам маърифатга, яъни илоҳий ёғдуни кўнгил кўзи билан илғаш туфайли эришиладиган маънавий жамолга бағишлангандир:

Ғам тунида қолиб кетурмиз, оҳ, биз саҳарсифат,  
Қоронгудан фориг этиб, ёрут, ки, субҳгоҳимиз.

Маърифатталаб ҳар бир инсон учун энг қўрқинчли ҳол бу — жаҳолат зулматига тутқун бўлиб қолишдир. Шунинг учун ҳам, ушбу байтда лирик қаҳрамон Аллоҳдан ёруғлик илтижо қилади. Бу байтда қоронғиликдан озурдалиқ билан ёруғлик умиди бир-бирига уйғун бўлиб кетганки, Огаҳий бобомизнинг мана шу зиддиятли ҳолатни ифода этиши ўқувчида ҳамфикрлик кайфиятини уйғотади. Негаки, ҳар бир одамнинг ҳаётида ҳам сурур ва ғам, умид ва умидсизлик туйғулари аксар ёнма-ён келади ва ҳар бир одам ўз ишончу эътиқодига муносиб равишда салбий ҳолатлардан халос бўлиб, ютуқларга восил бўлмоқ умидида яшайди. Инсонда андуҳларни бартараф қилиш ниятида чекилган машаққатлар туфайли шодликларга эришув умиди устувор бўлмоғи, ғамни шодликка айлантириш йўлида у қаттиқ курашлар олиб бормоғи ва ғалабага эришмоғи жоиз.

Қақраса жисму жонимиз гоҳ оҳ самуми бирлаким,  
Илиқ булутларинг билан кўкарт бизим гиёҳимиз.

Мана шу байт юқоридаги фикримизга далилдир. Бу далолат, умуман, Огаҳий шеърятининг оптимистик йўналишини белгилайдиган фазилатлардандир. Шуниси эътиборга молики, бордию Огаҳий лирик қаҳрамонининг, ғазалда таъкидланганидек, «Гоҳ оҳ самуми бирла жисму жони қақраб», «Илиқ булутлари ила гиёҳи кўкармаган» тақдирда ҳам, Яратганга ношукр бўлишга ҳақи йўқ. Бордию яратганнинг раво кўрган жабри билан унга бу жаҳон тор келган тақдирда ҳам, унинг лутфи туфайли у иноятдан умидвор бўлавермоғи лозим. Бундай тақдирда, шоирнинг таъкидлашича, банда:

Бош олибон чарх жавридан қочиб чиқиб кетар эсак,  
Кўланканг, оҳ, бўлур бизим бошимиза паноҳимиз —

деб шукр қилмоғи лозим. Чунки Ҳақнинг иноятлари, ғазалда таъкидланаётганидек, самонинг чексизлиги янглиғ беҳудуддир.

Муҳаммад Ризо Огаҳий инсон ҳаётда йўл қўйиши мумкин бўлган нуқсонлардан фориг бўлишнинг имконини ибодатда кўради. У ёзади:

Йўлингга бошимиз қўйиб, сажда қилиш билан санго,  
Шоистаи сужудинг, о, бўлсак эди, илоҳимиз.

Мисралардан англашилаётганидек, гап фақат саждада эмас, балки «Шоистаи сужуд»да, яъни саждага ноил бўла билишда ҳамдир. Шоирнинг уқтиришича, саждага етиб боргунча мавжуд йўлни босиб ўтиш ҳам инсондан ўзига яраша фазилатларни талаб қилади.

Шу ўринда ҳадиси шарифлардан биттаси ёдга тушади. Бир куни Аллоҳ Расули Муҳаммад (с.а.в.) айтган эканларки, «Яхши амалларингиз бўлмаса, фақатгина ибодатларингиз билан жаннатга кира олмайсизлар!», «Сиз ҳамми, ё Расулуллоҳ?» деб сўрашибди ундан. «Ҳа, мен ҳам!» жавоб берибди Муҳаммад (с.а.в.). Албатта, бу ҳадиси шариф ибодатнинг аҳамиятини пасайтирмайди, балки яхши амалларнинг нақадар муборак эканлигини таъкидлайди. Демак, илоҳий амаллар дунёвий амаллар билан мустаҳкамлангандагина савобли самаралар беради. Шунинг учун ҳам:

Ҳам бошимиз билан юриб, йўлингга тушсак эрди бир,  
Самодан ҳам баланд бўлур эди бизим кулоҳимиз.

Маълумки, «ҳам бош» ва дарвешлик кулоҳи Ҳақ субҳонаҳу ва таолога эътиқод туфайли эришиладиган факрлик даражаси. Бироқ бу маснаднинг, шоир талқинича, «самодан ҳам баланд бўлиши» алоҳида диққатга сазовордир.

Қуллимиз қабул эса гар эшигингда ногаҳон,  
Қайдаки бахт, баридан ҳам баланд бўлурди жоҳимиз.

Огаҳий ҳазратлари қуллик тузуми мавжуд бўлган замонда яшади. Гарчи бу даврда жамият қулликни ҳали очиқдан-очиқ инкор қилишгача етиб келмаган бўлса-да, халқ ўртасида бу мудҳиш иллатдан қутулиш ҳақидаги фикрлар очиқ-ойдин тилга олинаётган, ҳатто одамлардаги бу табиий истакни баҳона қилиб, бирмунча тараққий топган давлатлар қолоқ мамлакатларга қўшин торта бошлаган вақтлар эди. Огаҳийнинг мазкур байтида ҳам ана шундай заминий исённинг садоларини кўриш мумкин. Яъни Аллоҳга қулликдан бошқа қуллик рағбатлантириладиган жиҳат эмас. Шунинг учун ҳам, инқирозга маҳкумдир. Яна шуниси ҳам борки, бундай руҳий-маънавий машаққатларни бошидан кечирган одамнинг жисмоний жиҳатдан ҳам дардманд бўлиши табиийдир. Огаҳийнинг мисраларига қараганда, ул зоти шариф ҳам («Қарилғ дардидан афтода бўлган Огаҳингдурман») жисмоний дардлардан озор чекиб яшаган кўринади ва бу ҳолни шоир ўзининг маънавий риёзатлари билан боғлайди:

Огаҳийдек ғаминг аро бўлибмиз ожизинг сенинг,  
Эгик қаду сариқ юзи эрур бунга гувоҳимиз.

Шарқ донишмандларидан бири айтганидек, икки дунё, аслида, бир ўрилган кокил янглиғ чамбарчасдир. Айтмоқчимизки, шеъриятимиздаги, хусусан, тасаввуф шеъриятидаги «дудамалик», қўштиғликнинг мутлақо мантикий асослари бор. Бу, бир жиҳатдан, инсонни ўлимдан кейинги иккинчи ҳаётга тайёрлаб, хотиржам этса, иккинчи тарафдан, жаҳоннинг муамоларини ҳам ана шу аснода бартараф қилишни ўргатадики, бу сабоқ унга ҳар қандай вазиятда ҳам асқотиб туради. Шуниси ҳам муҳимдирки, шоирларимиз ўзларининг қамровли, кўламдор манзумаларида инсон руҳий ҳамда моддий ҳаётининг турли жиҳатларини олиб, поэтик таҳлилдан ўтказганлар, ўқувчини ҳаётнинг ниҳоятда кенг салтанатига турли эшиклардан олиб кириб, мазкур шуқуҳли мулкнинг бор мураккаблигини унинг кўз олдида намоён қилганлар, уни ҳаётга қомусий бир тарзда тайёрлаганлар. Бунини улар, албатта, эпик жанрлардагига қараганда тафовутли бир тарзда, шеърининг ўзига хос бадиий имкониятлари даражасидан келиб чиқиб амалга оширганлар.

Чунончи, юқоридаги ғазал таҳлилида Огаҳийнинг оддий инсонни тавба-тазарру, маънавий риёзат, ҳаётнинг турли жиҳатларидан келиб чиқиб, яшаш жараёнида орттирилган руҳий ғуборлардан илоҳий кайфият ёрдамида, маърифат оҳангларида тарбиялаганини кўрсак, навбатдаги ғазалида бу тарбиянинг ўзгача бир жиҳатини кузатамиз.

Бу оҳангда қалам сураб экан, Огаҳий ҳазратлари энди бир мунча, яхши маънода, «осмондан келиб» ижод этади. Одамни дабдабали иллатлардан фориғ қилиш учун, заҳарни заҳар кесади деганларидек, дабдабали оҳангларда наволар қилади:

Ки эй, сендан бўлиб пурзеб кулоҳ, иқболу давлатлар,  
Куйингга бош қўйиб топди неча Хисравлар иззатлар.

Бу мисралар бевосита илоҳий бир жамолга қаратилган хитоб бўлса ҳамки, шубҳасиз, у билвосита инсоннинг идрокига таъсир қилиш мақсадида битилган байтдир. Огаҳий бу байтда, хусусан, ўз даврининг хисравларига мунтазам бир шукроналик ҳамда огоҳлик билан ҳаёт кечиришлари лозимлигини уқтиради.

Фалак юксаклигидан, офтоб ўз нуридан ҳайрон,  
Қўйиб остонанга юз, топдилар меърожи рифъатлар.

Аллоҳ даргоҳи шу қадар кенги, унинг остонасига нафақат офтоб, балки фалакнинг ўзи бош қўяди. Юксак даража топади. Бу — буюкликнинг чинакам ўлчови, ҳақиқий мезонидир. Модомики шундай экан, Хисравларнинг керилишига ўрин қолмаслиги керак. Улар Аллоҳнинг бир меъёрида ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун яратилган бандаларидирлар.

Бўлиб офтоб тожингга гуҳар, тахтингга Зухро дур,  
Бўлиб шоҳлар кулинг, орзу қилар қилмоқни хизматлар.

Биз товуш тезлиги деймиз, нур тезлиги деймиз. Товуш тезлиги фалакдаги майда бир жисмларнинг бир-бирларига тўқнашувидан ҳосил бўладиган саслар суръати. Нур тезлиги бўлса фалакнинг бағрида, измида бўлмиш жисмлардан чиқаётган ёруғликнинг тарқалиш тезлиги. Бу тезликларнинг барчаси фалакнинг ўзи кўрсатаётган тезликлар қошида тошбақа одимларидан ҳам саноксиз қарра охистароқ бир силжишдир, холос. Фалакки Аллоҳнинг хизматида шундай тезликлар билан шошилар экан, бандаларининг ҳам бир-бирларининг хизматларига нақадар камарбаста бўлишлари лозимлигини англаб олиш қийин эмас. Негаки, инсоннинг инсонга хизмати инсоннинг Яратганга хизмати ҳамдир. Аллоҳ илтифоти умид қилинади, талаб қилинмайди. Бу ҳақиқатни биз қуйидаги байтдан идрок қилишимиз мумкин:

Бўлиб афкандаинг шоҳлар, кулоҳлар шармисорингдир,  
Бўлиб арзандаинг Румо, Сифоҳон топди шавкатлар.

Топиб лутфингда бахт шоҳлар, кулоҳлар фурқатинг ичра,  
Сенинг ҳукмингга эрку, узлату, таъқику, суннатлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Огаҳийнинг лирик қаҳрамони ҳақиқий салтанат эгасининг хизмату мадҳида бўлса ҳам, ўзини ҳали Аллоҳ қўйига бош қўйган имтиёзли одам ўрнида кўрмайди. У ўзини камтарин тутиб, дейди:

Бу музтар охири бир кун қўяр хоки кўйингга бош,  
Дуоингни қилиб ҳаддан фузун, кутгай ижобатлар.

Бироқ умидини узмайди:

Ки эй хўблар шаҳи, Огаҳийингни сарфароз айла,  
Ғамингдин қолмади жисмингда онинг шавку қувватлар.

Аслида, мана шу зоҳирий қувватсизлик — ботиний қудратдир. Эзгуликдан умидворлик ва бу йўлда муттасил саъй-ҳаракатда фаолият кўрсатиш, аён бўладики, Огаҳийнинг ижоддан мақсади, Аллоҳдан умидидир.

**Матназар Абдулҳаким,**  
**Хоразм Маъмун академиясининг катта илмий ходими**  
**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 51-сонидан олинди.**

### ***Наврўз- Огаҳий таърифиди***

Қуёш ўзининг йиллик ҳаракати давомида икки марта олам экваторини (23 градус 27 дақиқа бурчак билан) кесиб ўтади. Биринчиси, 21 март оқшоми содир бўлади ва бу пайтда баҳорги тенг кунлик ҳолати кечади. Иккинчиси эса, яъни, кузги тенг кунлик 23 сентябрга тўғри келади. Шу икки кунда кечаси ҳам, кундузи ҳам баравар 12 соатдан бўлади.

21 март қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёда, туркий тилда “йилбоши”, форсийда эса “Наврўз” (янги кун) деб юритилган. Наврўзни “сади пок”, покиза юз яъни, табиатда юз кунлик киш совуқлари тугади, деб ҳам атайдилар.

Маълумки, Наврўз айёмида қадимги Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда, йил боши, наврўз, навбаҳор, гул сайри, қозон тўлди тантаналари бошланиб кетади.

Наврўз-форсча сўз бўлиб, нав-янги, рўз-кун.Қуёш (шамсия) йили ҳисобида янги йил кирган кун. Луғатларда бу сўзга ана шундай изоҳ берилади.

XI асрда яшаб ижод этган шоир ва файласуф Юсуф Хос Ҳожиб жаҳон адабиётининг энг гўзал намуналаридан бўлган “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) асарида баҳор ва Наврўз ҳақида шундай ёзган эди:

**Қуёш қайтди яна келиб ўрнига,  
Балиқ қўруғидан Қўзи бурнига .**

Яъни, Қуёш кеча ва кундузнинг тенглик нуқтаси-олам экваторига қайтиб, ўрнига келди ва Балиқ(Хут) буржидан Қўзи(Ҳамал) юлдузлар туркумига ўтди, деган эди.

Шеърят мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий “Хазойинул маоний” асарида қадимий ва навқирон айём ҳақида:

**Васли аро, тенг эмиш бўйи-ю сочи,  
Тун кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу наврўз.**

деб ёзган эди.

“Ҳамал кирди-амал кирди” мақолининг тарихий асосларида узоқ аجدодларимизнинг ўлувчи ва тирилувчи табиат ҳақидаги тасаввурлари ётади. Бинобарин, ўт-ўлан, дов-дарахтларнинг амалга кириши табиатдагина эмас, балки жамиятда ҳам жонланишни бошлаб берган.

Ана шу покланиш, янгиланиш, гўзаллик, тўкин-сочинлик шодиёнаси миллий байрамимиз ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган.

Қўлёзмаларни чуқур ўрганиш ва мукамал танишишдан аён бўлдики, XIX асар Хоразм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири, ҳазрат Навоийдан кейин “кўп ва хўб” шеър айтган қомусий билим соҳиби, шоир, олим, буюк таржимон, давлат арбоби ва зукко тарихнавис ва бевосита ана шу тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг “Гулшани давлат” тарихий-бадий асарида Наврўз шодиёнаси юксак бадий маҳорат билан, айниқса, “баҳор султони” нинг “карам ва эҳсон маснадида ўлтириши”, ҳазинаси эшикларини очиши, саховат ва ҳиммат кўрсатиши беҳад гўзал сатрларда қуйидагича тасвирланади:

**...Тарих ҳижрий минг икки юз етмиш иккига мутобиқ эрди. Чун ҳазрати соҳибқирон, мамоликситоннинг (Саййид Муҳаммад Баҳодирхон-1856-65 йилларда ҳукмронлик қилган Хива хони) жулуси саодат маънусидин, ўттиз секиз кун тамом ўтгандан сўнг, ражаб ойининг ўн тўртида, панжшанба куни асъади соат ва аҳсани авқотда офтоби оламтоб чобуксувори кўҳна масканин янги масканга табдил этди.**

**Яъни, Ҳут даштидин Ҳамал бўстониға тахвил топти. Наврўзи оламафрўз кириб, баҳор султони карам ва эҳсон маснадида ўлтуруб, онинг фармони била бўлуб, хозини хайр ва сахо хазойини эшикларин очти. Ва лутфу ато сарпанжаси била ер юзига ниҳоятсиз дуру гуҳарлар сочти ва гулзор фазосида азхори дилраболарининг мусаффо пайкариға зебу оро бермак учун гулгун ҳуллалар кийдурди ва ашжар барноларининг зебо қоматиға яшил тўн ва олтин тугмалар била ўзга янглиғ зебу зийнат еткурди. (“Гулшани давлат”, 386 39а вароқ).**

Ҳижрий 1272 йили, Саййид Муҳаммад Баҳодирхон тахтга ўтиргандан 38 кун ўтгач, энг гўзал ва чиройли фасл-баҳор бошланди.

Ана шу вақтда офтоби олам чавандози эски манзилдан янгисига алмашди. Наврўзи олам кириб келиши билан баҳор султони ҳукмронлик тахтига ўтиради, ҳазиначи унинг буйруҳи билан инъому эҳсон ҳазинаси эшикларини очиб, дуру гавҳарларни ер юзига сочади.

Асарда баҳор султонининг фармони билан қиш бўйи омборда сақланган уруғликлар олиниб, орзу-умид, яхши ният билан ерга уруғ қадалиши чиройли ўхшатиш орқали тасвирланган. Гулзорлардаги гул-чечакларнинг мусаффо жуссалари яна ҳам зебо ва гўзал бўлиши учун уларга нафис, безакли матолардан кўйлақлар, ёш дарахтларга эса қоматига мос олтин тугмали яшил тўнлар кийдиради. Бу тасвирда баҳор келиши билан дов-дарахтларнинг яшил тусга кириши, майсаларнинг яшил тугёни, табиатнинг уйғониши моҳирона, бадий акс эттирилган.

Ушбу қутлуғ кунда, айём муносабати билан хон халқ иштирокида Нарўз базмини ташкил этади. Хон ҳазратлари шодиёнада ёшу катталарнинг барча-барчасига инъому эҳсонлар қилади. Бахтли, толеъли, мартабали бўлишларига тилак билдиради.

Наврўз айёмида Огаҳий ҳам иштирок этган. Шодиёнадан завқланган ва катта таассурот олган Огаҳий маснавий битиб хонга тақдим этади. Маснавий хонга маъқул бўлиб, шоирни Нарўз инъомидан баҳраманд этади. Наврўз шодиёнасида битилган жўшқин маснавий ушбуди:

**Тузуб базми султон дарё ато,  
Очиб панжаи жуду хайру сахо.  
Халойиқға инъоми ом айлади,  
Барин комича шодком айлади.  
Илоҳо бериб тангри комил анинг,  
Ўтурсун фалакдин мақомин анинг.  
Анга ҳосил этсун не эрса мурод,  
Муборак замирин фараҳноку шод.  
Ўтурсун фалак авжидин поясин,  
Етурсун жаҳон бошиға соясин.  
Қилиб амр ила давлатин барқарор,  
Қиёматғача айласун пойдор.**

(“Гулшани давлат” —40 вароқ).

Наврўз тантаналари ана шундай файзу тароватли ва хайру эҳсонлар инъоми билан якунланади.

Қумрихон Султонова,  
Республика Таълим маркази  
мутахассиси

## КЕЛИБ ҚИШ ФАСЛИН ЭТТИ ЁЗ НАВРЎЗ...

---





**Наврӯзи олам инсоннинг кўнгил меҳваридаги ёруғ бир лаҳза, умид, ишонч, тириклик шукронаси, баҳорга соғ-омон етганлик нашидасидир. Шу жиҳатдан ҳам бу ёниқ онлар билан боғлиқ бадиий манзаралар сўз санъати оламини ҳеч қачон тарк этган эмас. Балки бу «баҳориёт» бир руҳбахш мавзу сифатида барча замонларда ҳам янги-янги қирралари билан санъаткор ва санъатсевар диллар эътиборида бўлиб келмоқда.**

Огаҳий шеъриятида Наврӯз оламшумул бир поэтик образ даражасида талқин этилади. Шоирнинг Наврӯз тилсимоти ҳақидаги битиклари ичра айниқса «Наврӯз» радиопиёлу ниҳоятда дилтортар ғазаллари ҳар қандай кўнгилни ўзига ром этади.

**Қилиб ойини меҳр оғоз Наврӯз,**

**Келиб қиш фаслин этти ёз Наврӯз,**

Шоир наздида Наврӯз меҳру муҳаббат онларини бошлаб берадиган қутлуғ айёмдир. У келгач, қиш фасли ёз тароватига айланади. Бу ўринда қиш ва ёз фасл маъносидан кўра, қаршилантериш санъатини юзага келтирган бадиий ифодадир. Ғазалда қиш — қоронғулик тимсоли бўлса, ёз — ойдинлик, маъносини билдиради. Бунда табиат тасвири билан бирга инсон руҳияти ҳам ҳамоҳанг бир уйғунлик касб этади. Наврӯз эса мана шу табиат ва инсон оламидаги ички мувозанат марказида гавдаланади. Яъни, байтда фасллардаги ўзаро алмашиш қонунияти тасвирланиш орқали инсоннинг ботиний онгидаги ўзгаришларга ишора этилади. Кейинги байтдаги «олам бошдан-оёқ файзу сафо, шоду хуррамликка қадам ташлагани ва Наврӯз шундай жаннатий маконга мос бир файз бўлиб келганлиги» ҳақидаги ҳиссиёт ифодаларида ҳам мана шу руҳий мувозанат тасвири давом эттирилади.

**Жаҳон сарто қадам файзу сафода,**



## **Бўлуб жаннатга файз андоз Наврўз.**

Бу ўринда ҳам жаҳон — табиат ва инсон дунёси, жаннат — олам ва одам гўзаллигига ишорадир. Наврўз мана шу ташқи ва ички ҳуснга элчи, мана шу икки оламга даракчи деб талқин этилади. Айни вақтда мажозан ёруғликнинг қоронғулик, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғолиблигига ишора ҳамдир. Иккинчи бир томондан эса «жаҳон» ёки «жаннат» бир «андоза», яъни шакл бўлса, Наврўз унга гўё мазмун-руҳ бўлиб жиқоланади. Жаннатда шоир айтган «файз» ҳам, «соғинч» ҳам мужассамлашган. Лекин «Наврўзни жаннатга ҳам файз» деб билиш бу — буюк бир қалб ижодкорлигидандир.

Оғаҳий навбатдаги мисраларни битатуриб, шеърнинг рамзийлигини ҳаётийлаштира боради. Барча элу халқ айшу базмга майл кўрсатганлиги, бу базмларга хуррамлик ва хушнудлик сози Наврўз томонидан чалинганлиги, Наврўз табиатга, одамлар ўзларига зебу зийнат берганлиги оламжаҳон бадиий манзара сифатида тасвирланади.

**Ҳамма эл айш базмига қилиб майл,**

**Тараб қонунин этти соз Наврўз.**

**Ўзига ҳар киши борича имкон,**

**Бериб юз зийнату пардоз Наврўз.**

Одатда мумтоз шеър бадииятига кўра, кўпинча лирик қаҳрамон ички бир тақдимга биноан ошиқ ҳолатида гавдаланади. Бу каби ўзгача бир тасвир услуби ҳам айнан Наврўз айёми муносабати билан амалга оширилади. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Қадимда ёки яқин тарихда Наврўз қандай нишонланар эди. Албатта, бу ҳақда тарихий маълумотлар кам эмас. Лекин Оғаҳий гувоҳ бўлган давраларда шоир айтганидай «маъшуқлар ошиқларига гоҳ юз лутф, гоҳ минг ноз» кўрсатганмикин? Ёхуд «ошиқлар ҳам маъшуқасидан баҳра олиб, ҳамсуҳбат ва сирдош» бўлганмикин? Айтиш лозимки, байрамларда «ёри азиз ва дилдори лазиз» билан бўладиган ҳамрозлик онлари ифодаси бошқа бир қатор асарларда ҳам келтирилади. Оғаҳий эса бу ўринда ҳам масалани «анжуман» ва «хилват» нуқтаи назаридан талқин этганлиги унинг Наврўз айёми мавзусига янгича ёндашганлигини кўрсатади.

**Қилиб маъшуқлар ошиқларига,**

**Гаҳи юз лутфу, гаҳ минг ноз Наврўз.**

**Олиб ушшоқ ҳам маъшуқидин ком,**

**Бўлуб ҳамсуҳбату ҳамроз Наврўз.**

Яъники, бунда «маъшуқлар ошиқларга кўрсатган лутфу марҳамати, нозу ишвалари ёки ошиқлар ҳам бундан лаззат туйганлари» ташқи манзараларнинг ичда жонлангани, Наврўзи олам тафти ошиқ кўнгилларда ҳам тирилганига ишора этади. Ҳазал давомидаги «бори эл топганини харж қилиб, шодлик маҳбубаси

Наврўзга улфат бўлганлиги» ҳам шунга яқин туйғуни англатади. Кейинги тасвирларда Наврўз бир бора олам ва одамга чин бир севинч олиб келгани учун «жаҳон ганжи»га қиёсланади. Бу энди ўша юқорида айтилган табиат ва руҳият ифодалари бир нуқтада бирлашганлигини билдиради. Шу боисдан ғазал мақтасида шоир бу «айш васфи Наврўз» таърифини бир жумла билан илоҳий бир «мўъжиза» деб атайди.

**Бори эл харж этиб нақдини бўлди,**

**Тараб маҳбубиға дамсоз Наврўз.**

**Нишот асбобиға харж айлар элга,**

**Жаҳон ганжи ҳам ўлса оз Наврўз.**

**Неча атноб қилсанг айш васфин,**

**Ўлур, э Огаҳий, ижоз Наврўз.**

Кўринадики, Наврўз бир фараҳбахш айём сифатида ижодкор диллар учун доимий илҳом манбаи бўлиб келган. У бадий ифодаларда «меҳр ойнаси», «шодлик сози», «ишқ лаззати», «жаҳон ганжи», «илоҳий мўъжиза» каби ташбиҳларда акс этади. Табиат ва жамият, олам ва одамлараро мафтункор бир ҳиснинг айни бир вақтда пайдо бўлиши, бир нуқтада жам этилиши лаҳзасига ишонч ҳамда муҳаббатни билдиради. Бу шодлик, севинч, суҳбатдошлик, баҳор, меҳр-муҳаббат, орасталик, ҳамдардлик, ёшлик, қушлар сайраши, ёруғлик, зилол сувлар, ялпизлар, кўкарчин, яшиллик, дарахтлар гуллаши, самовий поклик ва бошқалардир. Бундай ёруғ руҳ ифодаси Огаҳий қаламидан ёғилган бошқа «Наврўз» радифли ғазалда ҳам акс этган. Бироқ ундаги ташбеҳ-ўхшатишлар, лирик қаҳрамон аҳвол руҳияси ўзгача манзара намоён этади. Унда Наврўз қуёш сингари ер юзидан сояни кўтаргани, элга файз, шодлик, айшу ишратни насиба этиб улашгани, табиат оламга янги туғилган бола шодлигини инъом этган бўлса, унга Наврўз доялик қилгани, дилкаш оҳанглар билан куйланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки Наврўз хоҳ шеърятда тасвир этилсин, хоҳ қўшиқ бўлиб куйлансин, хоҳ тарих бўлиб ёзилсин — барчасида меҳр-мурувват жўшиб, самимийлик уфуриб, ёруғ ва ёниқлик балқиб туради. Шу сифатлар ила уни мумтоз шоирлар «жаннатга файз» ёки «жаннатий ифор» деб атаган бўлсалар ажаб эмас.

**Усмон ҚОБИЛОВ,**

**Алишер Навоий номидаги**

**Самарқанд давлат университети доценти.**

Дўстлар, бу кун ажаб бир сарв қомат кўрмишам,  
Сурати бошдин аёқ ғарқи латофат кўрмишам.  
Офтоб осо мунаввар талъати фархундасин,  
Олам аро ахтари авжи саодат кўрмишам.  
Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,  
Кўзларининг суратин айна иноят кўрмишам.  
Жон фидо ширин лабини топмишам обиҳаёт,  
Руҳпарвар нуктасин дурри зарофат кўрмишам.  
Қочса ҳушим тонг эмас кўргач қиёми қоматин,  
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.  
Турғонин базм ичра илгин қовшуруб одоб била,  
Беқарору музтариб кўнглумға роҳат кўрмишам.  
Жон киби нозик белида фўтани зар остида,  
Беш қабзи тийғини жонимға офат кўрмишам.  
Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч хутур  
Таъбиға махсус онинг фаҳму фаросат кўрмишам.  
Кўрмадим монанд анго чобуклик ичра нечаким,  
Дилраболар жилвасин беҳадду ғоят кўрмишам.  
Билмадим ҳолим не ерга ойид ўлғой оқибат,  
Ким, ўзим шавқида кўб бесабру тоқат кўрмишам.  
Оғаҳий, эмди манга ўлмакдин ўзга чора йўқ,  
Ким, бу кун жонимда дардим бениҳоят кўрмишам.

**Муҳаммад Ризо ОГАҲИЙ.**

**Яхшиликнинг афзали**

## **Комил Аваз. Муҳаммадризо Оғаҳий**

Чоп этилган: 09.04.2015



**САЛОҲИЯТ САОДАТИ**

Халқимизнинг маънавий меросига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, тарихнавис олим, моҳир таржимон, давлат ва сиёсат арбоби Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудига 200 йил тўлади.

У 1809 йилнинг 17 декабрида Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида, мироб оиласида дунёга келган. Огаҳийнинг уйи Қўҳна Арқдан тахминан 5–6 чақирим масофада, Қиёт қишлоғининг Хива–Қўшқўпир йўлининг чап тарафида. Шу кунларда, шоирнинг “уй-музейи” жойлашган бу ҳовли “Огаҳий боғи” деб аталади. Шоирнинг борлиқ умри ўтган бу боққа қадам қўйишингиз билан осмонга сапчиётган отга менгзар тут хаёлингизни мозийга олиб кетади.

Муҳаммадризо отадан эрта етим қолиб, амакиси, замонанинг етук шоири, катта мансаб эгаси – хоннинг бош мироби, устоз Мунис Хоразмий қўлида тарбия топади.

У амакиси ҳам устози Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ила бамаслаҳат ўзига Огаҳий таҳаллусини олади. Шоирнинг таҳаллуси ҳам ўзи айтмиш огоҳлик билан хушмавзундир:

*Не тонг огоҳ бўлса, Огаҳий, ишқинг сирин ким,  
Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо.*

Огаҳий “Таъвиз-ул ошиқин” девони дебочасида “Саодатлик асрининг ёқимли, услуби чиройли баён фозилларига ва шарофатлик замонининг ширин тиллик шоирларига диққатли шеърлари ва назокатга яқин назмлари бахшишлиги учун мўл инъомлар, хурсандлик ва кўп эҳсонлар билан баҳрамандлик етқариб, қадрлар мартабада ўзгалардан азиз ва мўътабар, иззат ва шавкатда ўзга одамлар орасида қуёшдек порлоқ ва сарбаланд қилди”, дея ўзининг қадри баландлигидан шодмонлик туйғусини изҳор қилади.

Юқоридаги дил изҳори бежиз эмас. Чунки мавлоно тириклигидаёқ элда азиз шоир, тарихнавис олим, таржимон, улкан мироб бўлиб етишган, камол топган улкан Шахс эди. Буларнинг бариси тинимсиз меҳнат, илм олиш, изланишлар, Оллоҳ берган истеъдодий ижод мулкидан самарали фойдаланиш маҳсулидир. Шунинг учун ҳам Огаҳий аввалам бор илмни юқори даражада шарафлайди: “Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамғаким, кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анга”, дея улуғловчи шоир, кейинларда оёғида қувват йўқлиги ишорасида, илмга нисбатан янада юксак мартабада урғу беради:

*Эй, келди фунуну илм таслим санга,  
Қилмоқ манга лозим ўлди таъзим санга.  
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,*

*Келдим бош ила олғоли таълим санга.*

Шоирнинг ғазалиёти, унинг назм наҳри, юртга жон бахшида этиб турган Жайхунга менгзайди, гаҳи шиддатли, гаҳи сокин, гаҳи шўх, гаҳи маҳзун оқади. Дарёлар қай тарзда оқмасин, улар элу элатларга ҳаёт бахшида этиб турадилар. Наинки ёзиш, ҳатто баъзи бировларнинг умр мобайнида ўқиб чиқишга ҳам вақти етмайдиган даражада сермахсуллик ҳамма ижодкорларга-да насиб этавермайдиган ноёб бахтдир.

1826 йилдан сипоҳийлик – ҳарбий хизматда бўлган давридаёқ элга шоир бўлиб танилган, Хива адабий муҳитида тилга тушган Муҳаммадризо Огаҳий хон саройида мирза бўлиб ишлай бошлайди.

1829 йилда амакиси, машҳур шоир ва тарихчи Муниснинг 51 ёшида вафот этиши, шитоб билан адабиёт майдонига кириб келаётган ёш шоир учун катта йўқотиш эди. 20 ёшида Оллоқулихон томонидан у мироблик вазифасига та-йинланади.

### **МИРОБЛИК**

Асосий тирикчилиги ердан, суғорма деҳқончиликдан иборат бўлган Хоразмда мироблик ҳамиша улуғ мансаб ҳисобланган. Илмий битикларда ал-Беруний бобомиз ҳам мироблик билан шуғулланган ва алломанинг бевосита бошчилигида ўша даврда икки ярим милён таноб экин майдони суғорилган, дейилади.

Хива хонлигида мироблик илмига, мироблар масъулиятига эътибор кучайтирилган. Айниқса, Муҳаммадраҳимхон I нинг хонлик даврида (1806–1825) Мунис Хоразмий – Шермуҳаммад мироб Хоразм мамлакатининг бош мироби сифатида иқтисодий ривожланишнинг бош омили бўлмиш сув хўжалигининг такомили учун катта ишлар қилган, “Орналар” (дарёдан оқиб чиқадиган ан-ҳорлар) ҳақида асар яратган.

Сўнгра Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммадаминхон, Сайидмуҳаммадхон даврларида Тоғай мироб ва Муҳаммадризо мироб – Огаҳий (1825–1857 йилларда) бош мироблик вазифасида ишлаган.

Огаҳий айна кучга тўлган, 36 ёшида ариқ ёқасида отдан йиқилиб оёғи синади ва майиб бўлади. Аммо жисмонан бақувват, иродаси мустаҳкам шоир руҳини туширмайди. 1847 йилда Мадаминхонга ҳамроҳ бўлиб Кўҳна Урганчга боради. У ерда Хонобод ёпи қазилади ва боғлар барпо этилади.

Огаҳий ўзи иқтидор, ишбилармонлиги туфайли ҳаётнинг энг олий неъматини бўлмиш сув ва ундан фойдаланиш илмини мукаммал эгаллаб, улкан давлат арбобига айланади.

Албатта, йиллар ўз ҳукмини ўтказмай қолмайди. Огаҳий 1857 йили касаллиги сабабли ўз хоҳиши билан бош мироблик вазифасидан истеъфога чиқади.

Огаҳийнинг умр йўли 8 нафар хон ҳукмронлик этган даврларда кечади. У 8 хил бошқарув, 8 хил муҳитда ҳам ўзи танлаган саодатли йўлдан оғишмай яшаган, ишлаган, ижод қилган. Шу хонларнинг қай бири замонида балки шоирга нисбатан совуқ муносабат бўлган бўлса не тонг:

*Рух каби шаҳдин йироқ ўлмай десанг бу арсада,  
Ҳар тарафга мойил ўл, андоқки фарзин, эй кўнгул.*  
Ёки:

*Жоҳ учун оламда ҳар нокасга таъзим айлама,  
Истамас эрсанг агар жухҳол аро бўлмоқ ҳақир, –*  
дея нидо қилишида қайсидир фарзин – вазирни кўзда тутганини ўзидан бош-қа ҳеч ким билмаса ҳам керак. Умри ҳамжиҳатлигу курашларда ўтган шоир катта амалдор бўлишига

қарамай, ҳалоллик рутбасига мушарраф бўлган, саодатда улуғ инсондир. Бир байтида дейди:

*Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санга бир кулча ер,  
Барча умрингда на ҳосил айласанг мироблиғ.*

Огаҳий нечоғлик катта мансаб эгаси бўлса ҳам бойликка ружу қўймаган, фоний дунё шавқиға берилмаган ва ғазалларида ҳам мол-дунёға ҳирслик балосидан айрила олиш мушкуллигини фалсафона, тасаввуфона рақам этади:

*Солма кўз ушбу жаҳон шавқиға зинҳор, э кўнгул,  
Айрила олмас балоға бўлма дучор, э кўнгул.*  
Шунинг учун ҳам қаноатни ҳар недан юқори қўяди:

*Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,  
Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур.*

Сабру қаноати туфайли элда азиз, ишға фидойилик, ишбилармонлик, юрт равнақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг мироблик даврида (1829–1857) юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмда кўпгина янги каналлар қазилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳанинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ҳал бўлиши ҳазрат номи билан боғлиқдир.

Огаҳийнинг мироблик даври ҳали яхши ўрганилмаган ва ёзилмаган. Унинг тарихий асарлари (матн шарҳлари ила) чоп қилинса, Хоразмнинг суғорилиш тарихи янада ойдинлашади ва не-не илмий ишларга асос бўлади, деб ўйлаймиз.

Улуғ шоир миробликдан истеъфога чиққач, назм, тарих битиш, таржимонлик билан машғул бўлади. Огаҳий 1874 йилда вафот этди.

### ОГАҲИЁНА ОГОҲЛИК

Инсоннинг ақлу тафаккури умрининг асл муддаоси эканини кенг мушоҳада этган ва шу баробарида унинг қадрини кўк қадар баланд тутган алломалардан бири Муҳаммадризо Огаҳий ишқ жозибасини, унинг моҳиятини наинки шоирона, балки орифона рақам этган беназир шоир.

*Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,  
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимға боқ.*

Огаҳийнинг ошиқлик лирикаси замирида ҳам, ижтимоий-сиёсий битиклари талқинида ҳам адабиётимизнинг азалий мавзуси – ошиқлик ва огоҳлик, маъвиза (панду насиҳат) етакчи ўринни эгаллайди. Лекин, ошиқлик, огоҳлик ва маъвиза замирида майиший огоҳлик, маддоҳий насиҳат эмас, балки маърифий огоҳлик, наводир насиҳат ётсагина у ижтимоий даражага кўтарила олади. Негаким, маърифий огоҳликда комиллик мавжуд. Комилликда миллат тақдири, элу юрт тақдири, наводир насиҳатда эса икки оламга, ватанга, дўсту биродарга муҳаббат талқини мужассамдир.

*Мулку миллатға амин ўлса агар огоҳлар,  
Икки олам обрўйини ҳосил эткай шоҳлар.*  
*Огаҳий, қил шоҳи огоҳинг дуойи давлатин,  
Ким онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.*

Огаҳийнинг огоҳликка даъват борасидаги битиклари ҳозиржавоблиги билан диққатга сазовордир. Унинг фалсафий қарашларида ҳам, панду насиҳатларида ҳам олам сирларидан, адабу икром хислатларидан воқифлик туйғуси бош мезон ҳисобланади.

### ШОИР ҚАЛБИ СОЗДА

Сўз ва сознинг ёзилишию талаффузида ажиб бир муштараклик бор. Ва ажабким, муомалот дунёсининг тириклиги бўлмиш сўз ҳамиша соз оҳанги ила мавзунлик касб этади.

Огаҳий ҳазратларининг “Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо” дейишида ҳикмат кўп, негаким, “Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини”, дейди.

Унинг ғазалларини мутолаа этганингиз сари меҳрингиз ошиб бораверади, чунки Огаҳий ҳар бир сўзга заргарлардек сабр ва собитлик билан сайқал беради. Шоир бир ғазалида кўнгил денгизидаги заххор (лиқ тўла) сўз маъни шоҳидиға зевар бўлса, покиза гавҳарга айланади дейди:

*Кўнгил бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз,  
Вале шарт улки маъни шоҳидиға бўлса зевар сўз.*

Огаҳий битикларидаги сержило оҳанг, мусиқий мунавварлик алоҳида таҳсинга лойиқ. Шоир ғазаллари беихтиёр куйга тушиб кетаверади:

*Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,  
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.*

Шоир ғазалларидаги оҳанг ўйноқчилиги, сўз кўркини жилолантиргани билан бир қаторда ғояни кучайтирганлигига ҳайратланмай иложингиз йўқ:

*Келиб ногоҳ мени ул қоши ё ўлтирмай ўлтирди,  
Отиб мужгон ўқин, айлаб жафо ўлтирмай ўлтирди.*

Мавлоно хоҳ табиат, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ ишқу муҳаббат – қай мавзуда қалам тебратмасин, ўз ҳаётига қисман ёндашиб ўтади:

*Қилма ҳавас, э Огаҳий, эмди йиғитлик айшини,  
Ким етти умринг муддати эллик ети ёш устина.*

Ёинки:

*Шоҳи замон лутфидур тенг ёвуқу йироқғаким,  
Файзи нигоҳи еткуси ҳам бийиғу ашоқғаким,  
Боқмаса ул боқар эди ман каби бир чўлоқғаким,  
Муддати умрин, Огаҳий, чексун уғон узоқғаким,  
Айшу тараб замонидур шоҳи жаҳон замонаси.*

Огаҳийнинг 20000 мисрадан зиёдроқ назм дурдоналарини ўзида жам этган “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девони абадул-абад ишқ аҳлининг тумори бўлиб қолади.

## ТАРИХНАВИС ВА МУТАРЖИМ

Огаҳий тарихнавис олим сифатида беқиёс из қолдирган улкан илм соҳибидир. Амакиси Мунис ёзиб улгурмаган “Фирдавс ул-иқбол” (“Бахт боғи”) асарининг Муҳаммадраҳимхон I (1813 –1825 йиллар) хонлиги даврига бағишланган қисмини Оллоқулихон буйруғи билан 1842 йилда ёзади.

“Фирдавс ул-иқбол” асарини тугатганидан кейин Огаҳий 5 та мустақил тарихий асарларини яратган: “Риёз уд-давла” (“Саодат бўстонлари”) – Оллоқулихон ҳукмронлиги даври, (1825–1842), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар сараси”) – Раҳимқулихон даврига оид (1843–1846), “Жоме ул-воқеоти султоний” (“Султонлик воқеалари тўплами”) – Муҳаммадаминхон, Абдуллахон, Қутлуғмуродхон даври (1846–1855,56), “Гулшани давлат” – Саййидмуҳаммадхон даври (1856–1865), “Шоҳиди иқбол” – Муҳаммадраҳимхон Соний – Феруз ҳукмронлигининг (1865–1873) қарийб 10 йиллик даврини ўз ичига олади.

Огаҳийнинг таржимачилик борасидаги маҳорати хусусида кўп ёзилган, ҳали кўп ёзилажак. Айниқса, филология фанлари доктори, огаҳийшунос олим профессор Нажмиддин Комилов

тадқиқотлари бениҳоя улкан таҳсинга лойиқ. У киши Огаҳий таржималарини асл нусхалар, бошқа таржималар билан солиштириб, ҳазрат иқтидорига, қойил қолиб, ниҳоятда юсак баҳо берган. Н.Комиловни Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятини ипидан игнасиғача ўрганган, десак муболаға бўлмайди. Негаки, проф. Н.Комилов нафақат номзодлик, балки докторлик диссертациясини ҳам ҳазрат Огаҳий ижодига бағишлаган устод ҳисобланади.

Саъдийнинг “Гулистон” асари таржимаси хусусида тўхталиб, шундай ёзади:

“Тасвирланишича, бир доно одам бир паҳлавон йигитни учратадики, у ниҳоятда ғазабланиб, қўлига тош олиб турибди. Доно атрофдагилардан бунга нима бўлди, деб сўраганда, улар фалон киши танбеҳ берди, деб жавоб берадилар. Шунда у: “Ин фурўман ҳазор ман санг бармедораду тоқати сухане намеорад”, деб ўтиб кетади. Бу жумлани Огаҳий: “Бу бечоранинг минг ботмон тошни кўтармакка қуввати бордур, бир сўзни кўтармакка тоқати йўқдур” деб ўгирган. “Фурўман” сўзининг луғавий маъноси асли, насаби паст, демакдир. (Муродхўжа “паст ва бадасл” деб таржима қилган). Аммо Огаҳий уни “бечора” деб ўгирган. Бу тўғрими? Агар ҳикоятнинг умумий мазмуни ва доно сўзининг оҳангини назарга олсак – бу тўғри. Сабаби, бу сўз жисмоний бақувват бўлиб, маънавий ожиз бўлган паҳлавонга нисбатан кесатиқ маъносида ишлатилган, соҳибдил унинг вазоҳатидан кулади. Шунинг учун Огаҳийнинг уни ўзбек тилида таъна ва киноя оҳангини ифодаловчи “бечора” сўзи билан ағдариши айни муддаодир”.

Бу Огаҳийнинг битта асардаги, битта жумласидаги маҳорати. Огаҳий таржималарини илмий ўрганиш бизга катта мактаб вазифасини ўташ билан бирга таржимашунослик сир-асрорларидан воқиф қилади, бадиий ва илмий салоҳиятимизнинг янада сайқаллашишига ёрдам беради. Ҳазрат мумтоз асарларни туркийга ўгириб, ўзбек адабиёти хазинасининг бойишига муносиб ҳисса қўшган аллома ҳисобланади.

Иқтидорли олим Нурёғди Тошев “Жоме ул-воқеоти султоний”нинг Тошкент нусхаси: “Огаҳий дастхатими?” мақоласида: “Муҳаммадризо Огаҳий ҳақли равишда энг сермахсул ва серқирра қаламкашлар қаторида эътироф этилади. У йирик шеърӣй девон ва тарихга оид 6 та асар битган, бундан ташқари, 19 та бадиий, тарихӣй ва бошқа жанрлардаги асарларни форс тилидан, битта асарни усмонли турк тилидан эски ўзбек тилига ўгирган. Саналган 27 та асардан 23 таси кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган”, деб ёзади.

Огаҳий авваламбор баракали ижод қилган улкан шоир. Навоӣй, Фузулий, Бедил, Мунис ва бошқа кўплаб шоирлар ғазалларига мухаммаслар боғлаб, Хоразм адабий муҳити равнақиға катта ҳисса қўшган. Биргина Навоӣйнинг қирққа яқин ғазалларига чиройли мухаммаслар битиб, ҳазрат ижодининг халқ ўртасида оммалашишиға кенг йўл очган.

Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Р.Мажидӣй, С.Долимов, А.Қаюмов, Қ.Муниров, Ф.Ғанихўжаев, А.Абдуғафуров, И.Ҳаққулов, Н.Комилов, Ҳ.Абдуллаев, Н.Жабборов, Н.Тошев каби ўнлаб таниқли олимлар, адабиётшунослар яратган рисоалар, монографиялар алоҳида диққатға молиқдир. Истиқлол туфайли бу хайрли иш кўлами янада кенгайди. Бугунги кунда, шоир таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан олимлар, адиблар, айниқса ёш тадқиқотчилар Огаҳий ҳаёти ва ижодини чуқур таҳлил қилишға киришдилар.

Бой адабий меросға эға XIX аср Хоразм адабий муҳитини Огаҳийсиз тасаввур қилиш қийин. Ана шу катта адабиётнинг вориси Огаҳий ҳазратлари Феруздек, Комил Хоразмӣй, Комил Девонӣйлардек забардаст шогирдлар етиштирди, ўзидан катта адабий-тарихӣй мерос қолдирди.

*Комил Аваз,*



## Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий

Муҳаммад Ризо Огаҳий 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади. Уч яшарли вафот этади. У тоғаси-Хоразмлик машҳур шоир Шермуҳаммад Аваз ўғли Муниснинг тарбиясида бўлади. Саводини чиқаради. Сўнгра Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил олади, форс, араб тилларини мукаммал билди.

### Таржимаи ҳол

Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида Саъдий Шерозийнинг "Гулистон", Хисрав Деҳлавийнинг "Хашт биҳишт", Жомийнинг "Баҳористон", Кайковуснинг "Қобуснома", Хусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарларини таржима қилади, ўз миллатини Шарқ адабиётининг нодир дурдоналари билан баҳраманд этади. У ўз даврида олим, моҳир ҳаттот, таржимон сифатида шуҳрат қозонади, илғор дунёқараши билан илғор фикрнинг ривожига қўшади.

### Огаҳийнинг халқпарварлик ғоялари

Огаҳий халққа яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Огаҳийнинг фикрича, оддий халққа қашшоқланишнинг олдини оловчи чорадир. Халққа холис хизмат қилган кишининг мартабаси баланд, эл-ўрда ғоя Огаҳий педагогик қарашларининг асосий мазмунини ташкил этади. Инсон маълум бир жамиятда ҳаёт кечирган экан, шу жамият аъзолари билан мулоқотда яшамоғи керак.

### Огаҳий инсон камолоти ҳақида

Огаҳий инсоннинг камолга етишиши учун ёшлигидан илм ва касб ҳунар эгаллаши шарт эканлигини таъкидлаб, маърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамият тараққиётида кучли воситадир, илмларни эгаллаш ҳам қарз, ҳам фарз. Инсон қадр-қиммати унинг "симму зари" (олтин ва кумуши) билан эмас, илму ҳунар билан кўрсатадиган қиммати билан баҳоланади. Огаҳий одамларни шундай фазилат соҳиби бўлишга даъват этади. Огаҳий илмга интилишни юқори баҳолайди ва ҳар бир инсон илмларни эгаллаши зарурлигини айтади:

### Огаҳий таълим-тарбия ҳақида

Огаҳий таълим-тарбия илмларни эгаллаш ва тилни билишда муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб, инсонни бошқа мавжудотдан фарқ қилиб турадиган асосий белгидир, сўз ва тил "такаллум" қилишга, "файл" қўйишга, "кўнғил маҳзанидан жаҳоҳир сочиш" учун берилгандир.

Огаҳийнинг ўқитиришича, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик, табиат гўзаллиги инсон тафаккури маънавий ғоят муҳимдир.

Огаҳийнинг педагогик қарашларида нафосат тарбияси ҳам юқори баҳоланади. Огаҳий нафосат тарбияси гўзаллиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширишни тавсия этади.

Огаҳий меҳмондўстлик гўзал фазилат эканлигини айтиб, ёшларнинг меҳмон кутиш, унга ҳурмат, ҳушмурадлик, обобини эгаллашларига эътибор беришни, уларга меҳмондўстлик одобининг моҳиятини тушунтиришни таъкидлайди.

Огаҳийнинг фикрича, тўғри сўз кишилар ҳаётда қийинчилик билан яшасаларда, дунёнинг мавжудлигини сезиб яшайдилар.

### Огаҳий педагогик қарашларининг аҳамияти


Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз ижодий фаолиятида инсоний энг яхши фазилатларни - илм ўрганиб жамият оқилоқлигини қилишни инсоний энг яхши фазилат ҳисоблади. У дўстликни, меҳмондўстликни, ахлоқий гўзалликни улуғ

зийракликка, тўғри сўзли бўлишга чорлади. Унинг бу фикр, ўғитлари ҳозир ҳам педагогик қадрият си

## Фаолияти

Саъдий Шерозийнинг "Гулистон",  
Хисрав Деҳлавийнинг "Хашт биҳшт",  
Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон",  
Кайковуснинг "Қобуснома",  
Хусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарлари ўзбек тилига таржима

## Огаҳий — машҳур сулола давомчиси



Хоразм жаҳон маданияти ривожига, умуминсоний қадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшган муқаддас ўлкалардан биридир. Бу кўҳна заминда таваллуд топган ўнлаб буюк зотларнинг номи Машриқу Мағрибда катта эҳтиром билан тилга олинади.

Хоразмликлар кўкрак кериб фахрланса арзийдиган яна бир муҳим томони шуки ижодий меросининг ҳажми, адабиётимиз ва маданиятимиз олдида қилган хизматлари ва ниҳоят шахсий иқтидори, бадиий истеъдоди ва қудрати жиҳатидан адабиётимиз тарихида Алишер Навоийдан кейин турадиган Огаҳийдек забардаст ижодкорнинг ҳудди шу заминда яшаб вояга етганлигидир. Олимлар Огаҳийни Огаҳий бўлиб етишишида унинг амакиси Муниснинг улкан хизматлари борлигини эътироф этадилар. Бу айти ҳақиқат. Аммо ҳеч ким унга буюк ижодкор бўлишлигида Қўнғиротлар сулоласининг йирик вакили Оллоқулихондек «таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифағўйлик ўқувчининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалои замонға ҳайрат бармоғин тишлатур эрди» деб таърифланган зотнинг хизматлари кам ёдланади. Бу собиқ мустабид тузумнинг ўтмишда жасорат кўрсатган тарихий шахслар айниқса, ҳукмдорлар қиёфасининг золим ва бешафқат инсонлар сифатида талқин қилиниши натижаси эди.

Шўролар даврида Огаҳий камбағал оилада дунёга келган-у, ночорликда ҳаёт кечириб ўтган деган ҳақиқатдан узоқ бўлган сафсата тарқатилган эди. Аслида Эрнийёзбек ўғли Муҳаммад Ризо Огаҳий қандай оилада дунёга келгану унинг аجدодлари ким эди? Огаҳийнинг ўзи «менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг, амирларининг ва юз номли ўзбек тоифасига мироблик мансабига етишганлардандир» деб ёзади. Миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этадиган давлат тақдири сув билан боғлиқ бўлган Шарқ мамлакатларида бу лавозимнинг қанчалик юксак мавқега эгаллигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Унинг катта буvasи Эшимбий (отасининг буvasи) Хива хонларининг Шерғозихон (1714-1726й), Баҳодирхон (1726-1727) ва Элбарсхон (1727-1740)ларнинг вазири бўлган. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Хоразмга юриш қилганда Эшимбой босқинчиларга қаршилиқ кўрсатган саркардаларнинг бири бўлган.

Умуман, машхур тарихчи Огаҳий қаламига мансуб кейинги «Риёз уд-давлат», «Зубтат ут-таворих», «Жоме ул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳид ул-иқбол» каби тарихий асарларида мироблар сулоласи вакилларининг хонликнинг ҳарбий юришларида бошқа давлатлар билан элчилик муносабатларида, янги сунъий суғориш иншоотларини барпо этишда, иморатлар қурилишида ва давлат бошқарув ишларида яқин маслаҳатчи ва ҳамроҳ сифатида фаол иштирок этганлигини ёритувчи мисолларни қўплаб учратишимиз мумкин.

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё давлатларидаги тарихнавислик эски анъанага биноан форс тилида олиб борилган. Хива хонлигида эса ўзбек тарихнавислиги мактаби вужудга келиб, халқ тилида шундай ажойиб тарихий асарлар яратилдики, уларнинг ҳар бири нафақат Хива хонлиги, балки Туркистоннинг воқеаларга бой ўтмиш саҳифаларини ҳаққоний ёритишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Мунис ва Огаҳий асарларини мустақилликкача ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланиб, бу асарларни араб имлосидаги эски ёзувларни мукамал эгаллаган санокли тадқиқотчиларгина ўқиш имкониятига эга эдилар.

Кейинги йилларда олимларимиз юқоридаги асарларни араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгиришдек мураккаб вазифа устида тинимсиз меҳнат қилиб бунинг уддасидан чиқдилар. Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих», «Шоҳид ул-иқбол» асарлари филология фанлари доктори Нурбой Жабборов ва Н.Шодмоновлар томонидан нашрга тайёрланиб 2009 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп қилинди.

Шунингдек, Хоразм тарихининг қадимдан бошлаб, то 1825 йилгача содир бўлган воқеаларни ўз ичига олган «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асари эса тарихчи олимлар Ш.Воҳидов, И.Бекчонов ва Н.Полвоновлар томонидан кирилл алифбосига ўгирилиб, «Янги аср авлоди» нашриётида «Тарихий мерос» рукни остида 2010 йилда чоп қилинди. Бу асарлар Хива хонлиги ўтмишини ўрганишда муҳим ишонарли ва бирламчи манба бўлиб, қизиқарли ва шиддатли воқеаларга бойлиги учун ҳам бебаҳодир.

**Манба: “XIVA TONGI” газетаси**

## Огаҳий ғазали

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устина.

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

Нози адои ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,  
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,  
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устина.

Бошимга ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,  
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина.

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,  
Ким меҳр нурин тенг сочур вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,  
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

.....

Ғазалга қисқача изоҳ;

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устуна.

(Изоҳ; Ёрнинг мушк уфириб турган қошининг ҳайъати жаллод каби, ошиқининг ўлдирувчи кўзи чашмаси устига тушиб туради. Бу эса ошиғини ўлдиришга Нас келтиради. Нас деб қуръон ва ҳадис асосидаги ҳукми айтилади. Нас сўзи эса, нун ҳарфини сод ҳарфи устига келтириб ясалади. Шу маънода шоир Нас сўзини ёзилишига эътибор беради. Ва айна дамда маъшуқасининг кўзи ёки боқиши ошиқини ўлдириш даражасига етказганини ифодалайди)

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

(Изоҳ; Шоир бу ерда маъшуқаси юзини гулга ва қоматини шамшод каби тик ўсадиган хушқомат дарахтга ўхшатади. Агар гулнинг Шамшод дарахтига пайванд бўлганини кўрмаган бўлсангиз, ёрнинг зебо қомати ва орази юзини тамошо қилинг дейди. )

Нози адойи ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,  
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устуна.

(Изоҳ; Маъшуқа кўзининг ғамзаси ва нози ошиқни ҳар замонда ўлиб қолиш даражасига олиб бораяпти. Бир одамзод устига бунча офат бўлиши мумкинми?)

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устуна.

(Изоҳ; Мен хаста одамга жон сақлашлик энди қийин ишдир. Сабаби, ёрнинг кўзи менинг жонимга ҳар лаҳзада бедод зулмлар қилаяпти.)

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,  
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устуна.

(Изоҳ; Гул юзли ёр шавқи билан кўнглим кечаю кундуз шайдо бўлиб, Булбул каби минг турли фарёд устига яна юз турли наволар қилмоқда)

Бошига ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,  
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устуна.

(Изоҳ; Агар Фалак Фарҳоднинг бошига Бесутун тоғи каби, тошларни минглаб ёғдирса ҳам, менинг бошимга ёққан ғам тошининг мингидан бирича бўлмайди)

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,  
Ким меҳр нурын тенг сочур вайрону обод устина.

(Изоҳ; Шоир даврининг подшоҳига мурожаат қилиб, элга карам саховат кўрсатаётган пайтингда яхшию ёмонни тенг тутгил. Чунки, қуёш ўз нурини

вайрона ва обод жойлар устига баробар сочади дейди. Бу ерда подшоҳни қуёшга ўхшатиш ва уни ҳаммага яхшилиқ қилишга тарғиб қилишлик бор.)

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

(Изоҳ; Бу байтда ҳам шеър мазмуни ошиқ маъшуқ можароларидан чекиниб, насиҳат қилишга ўтади. Агар Сулаймон А.С. каби шамол устига тахтингни қуриб, ер юзида неча йиллар учиб айланиб юрсанг ҳам барибир бир кун танинг хоки туроб бўлади. Яъни, барибир ўласан дейди. Бу билан подшоҳни инсофга чақирмоқчи бўлади. Чунки, Сулаймон А.С. қиссаси қуръонда бор. У кишига бошқа ҳеч кимга берилмаган салтанат берилган. Лекин, ўшандай киши ҳам вафот топди. Демак, бошқа подшоҳлар ҳам буни унутмасликлари лозим.)

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,  
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

(Изоҳ; Огаҳий қайси журъат билан бунақа гапларни гапириши мумкин? Яъни, юқоридаги икки байтда келтирилган подшоҳга оғир ботиши мумкин бўлган гапларни шоир гапирмаган бўларди. Лекин, у зору ношод банданинг устига юзлаб ғам лашкарлари ҳужум қилаяпди. Шу сабабли юқоридаги гапларни айтишга ўзида журъат топа олди.)

.....

Изоҳлар муаллифи М. Абутов.

**17 декабрь - Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли  
Огаҳий таваллуди кунини ЭЛДОШИМИЗГА  
ЭҲТИРОМ**

[« Назад](#)

**25.12.2014 08:00**



Атоқли шоир, моҳир таржимон, етук давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ҳазратлари ўзбек халқининг фаҳри, ифтихоридир. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Кўп қиррали истеъдод соҳиби Огаҳий миллатимиз тимсоли саналмиш Алишер Навоий сингари инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ деярли барча соҳаларда самарали ижод қилган.»

Огаҳийдан бизга ниҳоятда бой илмий, маданий мерос қолган. Айниқса, шеърининг 22 жанрида битилган 20 минг мисрадан ошиқ ижоди уни назм гулшанининг ҳақиқий гултожи дея эътироф этилишига асос бўлади. Огаҳий ижодида одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, мурувват, саҳоват каби ғоялар тараннум этилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Хоразм мусиқа санъати» музейида Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Бола баҳши, Комилжон Отаниёзов, Ортиқ Отажонов, Олмаҳон Ҳайитова каби улуғ санъаткорларнинг Огаҳий ғазаллари билан айтилган қўшиқлар ижросини техник воситалар ёрдамида томоша қилиб, тинглаш имкониятлари яратилган.

Хоразм Маъмун академияси олимлари билан ҳамкорликда Огаҳий ижоди ва ҳаётига бағишлаб ташкил этилган кўргазма бойитилмоқда. Музейимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, мактаб ва коллеж ўқувчилари кўргазма билан яқиндан танишиб, Огаҳийнинг бой меросидан баҳраманд бўлмоқдалар.

А.БЕКЖОНОВА,